

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**КОДИРОВ АХМАДЖОН АБДУРАУФОВИЧ**

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ТЕРМИЗ-202 ҒЎЗА  
НАВИДА ДЕФОЛИАЦИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ АНИҚЛАШ**

**06.01.08–Ўсимликшунослик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ–2022**

УЎТ: 633.51:631.542.25(575.15)

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертация автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по сельскохозяйственным наукам**

**Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation on  
agricultural sciences**

**Кодиров Ахмаджон Абдурауфович**

Сурхондарё вилояти шароитида ингичка толали Термиз-202 ғўза навида  
дефолиация самарадорлигини аниқлаш..... 3

**Кодиров Ахмаджон Абдурауфович**

Определение эффективности дефолиации хлопчатника  
тонковолокнистого сорта Термез-202 в условиях Сурхандарьинской  
области..... 19

**Kodirov Akhmadjon Abduraufovich**

Determination of the effectiveness of defoliation on long staple cotton variety  
Termez-202 in the condition of Surkhandarya province..... 35

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 39

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**КОДИРОВ АХМАДЖОН АБДУРАУФОВИЧ**

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ТЕРМИЗ-202 ҒЎЗА  
НАВИДА ДЕФОЛИАЦИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ АНИҚЛАШ**

**06.01.08– Ўсимликшунослик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ–2022**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Qx711 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг ([www.psuyaiti.uz](http://www.psuyaiti.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали ([www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz)) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Тешаев Фатулло Жўрақулович,  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** Ахмедов Джамалхон Ходжаханович,  
биология фанлари доктори, профессор

Рахматов Бахтиёр Нейматович,  
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим


**Етакчи ташкилот:** Тошкент давлат аграр университети


Фалсафа доктори (PhD) диссертация химояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 рақамли илмий кенгашнинг «9» «03» 2022 йил соат 9<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: piim@agro/uz


Фалсафа доктори (PhD) диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№125 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.:(+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37;

Диссертация автореферати 2022 йил «22» феврал куни тарқатилди.  
(2022 йил «22» 02 № - 1 рақамли реестр баённомаси)



 Ш.Н.Нурматов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси к.х.ф.д., профессор

 Ф.М.Хасанова  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.н., профессор

 Ж.Х.Ахмедов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор



**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Турли тупроқ-иқлим шароитларида ҳар хил навларда ғўза дефолиацияси самарадорлиги бўйича, шунингдек, таркиби турлича бўлган дефолиантларнинг мақбул меъёр ва муддатларини ишлаб чиқиш бўйича бир қатор олимлар, жумладан, Т.Зокиров, А.Имомалиев, А.Умаров, У.Мадраимов, Т.Каракузиев, Р.Назаров, Ш.Тешаев, С.Тўхтаев, Б.Рахматов, О.Синдаров, Х.Абдурахмонов, Ф.Тешаев, С.Алланазаров, У.Абдурахманов, А.Улжабоев ва J.Larson, E.Butter томонидан ўрта толали ғўза навларида, айнан ингичка толали ғўза навларида эса А.Василевский, И.Рахматов, М.Тураев, М.Мейликулов, О.Наимов, Х.Омонов, А.Бобохонов, А.Тўраев, М.Саидов, Н.Арапов, Д.Агакишев, Н.Жанонов, Х.Мирхайдаров, А.Баусова, М.Мередов, Adiccot, M.Vinter, G.Benedict, Cothey ва бошқалар томонидан илмий изланишлар олиб борилган.

Аммо, кейинги 20-30 йил давомида ингичка толали ғўза навларида янги дефолиантларнинг мақбул меъёр ва муддатларини аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб борилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ҚХ-А-ҚХ-2018-179 “Республикада экилаётган ингичка толали ғўза навларида дефолиация ўтказишнинг мақбул меъёр ва муддатларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган (2018-2020 йй).

**Тадқиқотнинг мақсади.** Сурхондарё вилоятининг ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқлари шароитида ингичка толали Термиз-202 ғўза навида дефолиация ўтказиш самарадорлигини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ингичка толали Термиз-202 ғўза навининг ўсиши-ривожланиши ва кўчат калинлигини аниқлаш;

ингичка толали Термиз-202 ғўза навининг ривожланиш даврларида куруқ масса тўплаши, барг юзаси ва фотосинтез соф маҳсулдорлигини аниқлаш;

дефолиация олдидан ғўзанинг морфологик ҳолатини аниқлаш;

СуякХМД ва УзДЕФ дефолиантларининг ғўза барглари тўкилиши ва кўсақлар очилишига таъсирини аниқлаш;

дефолиантларнинг бир дона кўсақдаги пахта вазнига, биринчи терим салмоғига ва ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш;

Термиз-202 ғўза навининг пахта толаси ва чигит сифатини аниқлаш;

ингичка толали Термиз-202 ғўза навида дефолиация ўтказишнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Сурхондарё вилоятининг ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқлари, ингичка толали Термиз-202 ғўза нави, СуюқХМД, УзДЕФ дефолиантлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** ғўза навининг ўсиши, ривожланиши, турли дефолиантлар меъёрларининг таъсири, ғўза баргларининг тўкилиши, кўсақларининг очилиши, 1-терим салмоғи, ҳосилдорлик, толанинг технологик хусусиятлари ва чигитнинг сифатига таъсири бўлиб ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тажрибаларни олиб боришда «Методика полевых опытов с хлопчатником», «Дефолиантларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар», «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» ва «Методы определения свойств хлопка-волокна» қўлланмаларидан фойдаланиб, маълумотларни ишончлилиги ва аниқлигини Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» услуби бўйича математик ҳамда статистик таҳлил қилинган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Сурхондарё вилоятининг ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқлари шароитида ингичка толали Термиз-202 ғўза навидан эртаги, юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда СуюқХМД ва УзДЕФ дефолиантларининг самарадорлиги аниқланган;

ингичка толали Термиз-202 навининг дефолиантлар таъсирида барглар тўкилиши, кўсақлар очилиши, ғўзанинг ҳосилдорлиги ва тола сифати ҳамда чигитнинг сифат кўрсаткичлари аниқланган;

Термиз-202 ғўза навининг кўсақлари 30-40% очилганда СуюқХМД 8,0 л/га ва 40-50% очилганда 9,0 л/га, УзДЕФ эса кўсақлар 30-40% очилганда 7,0 л/га ва 40-50% очилганда 8,0 л/га меъёрларда қўллаш самарали эканлиги ишлаб чиқилган;

маҳаллий СуюқХМД ва УзДЕФ дефолиантларини мақбул меъёр ва муддатларда қўллаш натижасида биринчи терим салмоғи, пахта ҳосили ва иқтисодий самарадорлик ортган. Шу билан бирга кўсақлар очилиши ва биринчи терим салмоғи орасида юқори даражада корреляцион боғлиқлик борлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

изланишлар натижасида ингичка толали Термиз-202 ғўза навининг кўсақлари 30-40% ва 40-50% очилган муддатларда СуюқХМД ва УзДЕФ дефолиантларининг турли меъёрлари қўлланилганда пахта ҳосили камаймаслиги, тола ва чигитнинг сифат кўрсаткичлари пасаймаслиги исботланган;

тадқиқотларда энг юқори натижалар Термиз-202 ғўза навининг кўсақлари 40-50% очилган муддатда СуюқХМД 9,0 л/га ва УзДЕФ дефолиантини 8,0 л/га меъёрлари қўлланган вариантларда кузатилиб, барг тўкилиши мос ҳолда 89,3-90,2%, кўсақлар очилиши 91,2-91,8% ни ва пахта ҳосили 34,8-36,1 ц/га ни ташкил этган ҳолда, назоратга нисбатан кўшимча 1,3-2,6 ц/га пахта ҳосили олишга эришилган;

шунингдек, ушбу меъёр ва муддатда иқтисодий самарадорлик юқори бўлганлиги аниқланиб, биринчи (кўсақлар 30-40% очилганда) муддат ва

назоратга нисбатан рентабеллик даражаси 1,3-2,9% ва 6,5-11,2% га ошганлиги исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотларда олинган натижалар математик таҳлил қилинганлиги ва илмий жихатдан қонуниятларга тўғри эканлиги тасдиқланганлиги, тажриба натижаларининг маҳаллий ва чет эл илмий тадқиқотлари билан таққосланганлиги, тўпланган маълумотлар мутахассислар томонидан тасдиқланиб, ижобий баҳоланганлиги ва тадқиқот натижаларининг ишлаб чиқаришга янги ресурстежамкор агротехнологияларни қўллаш соҳасида кенг жорий қилинганлиги ҳамда тадқиқот натижаларининг республика ва халқаро илмий конференцияларида муҳокама қилинганлиги илмий тадқиқот ишининг ишончлилигини белгилайди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, Сурхондарё вилоятининг ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқлари шароитида парваришланаётган ингичка толали Термиз-202 ғўза навининг кўсақлари очилиш муддатларига боғлиқ ҳолда СуюқХМД ва УзДЕФ дефолиантларининг мақбул қўллаш меъёрлари, ушбу меъёрларнинг барглар тўкилиши, кўсақлар очилиши, очилиш тезлиги, биринчи терим салмоғи ва тола ҳамда чигитнинг сифат кўрсаткичларига таъсир этиши, ушбу кўрсаткичлар орасида корреляцион боғлиқликлар ва улар устидан илмий хулосалар чиқарилганлиги билан ифодаланади.

Тадқиқотларнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, Сурхондарё вилояти тупроқ-иқлим шароитида ғўзанинг ингичка толали Термиз-202 навида маҳаллий СуюқХМД ва УзДЕФ дефолиантларнинг мақбул меъёрлари қўлланилганда дефолиация самарадорлиги юқори бўлганлиги ҳамда ғўзадан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш, пахтани эртаки йиғиштириб олишда дефолиантларни мақбул муддат ва меъёрларида қўллаш бўйича тавсияларни жорий этиш эвазига рентабеллик даражаси юқори бўлиб, иқтисодий самарадорликка эришилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ингичка толали Термиз-202 ғўза навининг кўсақлари очилиш даражасини инобатга олган ҳолда дефолиантларни қўллаш бўйича олиб борилган изланишлар натижалари асосида:

ингичка толали ғўза навида дефолиантларни қўллаш борасида “Ингичка толали Термиз-202 ғўза навида сифатли дефолиация ўтказиш бўйича тавсиялар” тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 17 июндаги 02/020-2576-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянома Сурхондарё вилоятида ингичка толали пахта етиштирувчи агрокластерлар ва фермер хўжаликларида қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқлари шароитида ингичка толали Термиз-202 ғўза навининг кўсақлари 30-40% очилган муддатда дефолиантларни мақбул қўллаш технологияси Сурхондарё вилояти Ангор туманидаги фермер хўжаликлари пахта майдонларининг 90 гектарига жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 17 июндаги 02/020-2576-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида барглар тўкилиши 76,6-80,9%,



кўсақлар очилиши 66,9-78,1%, биринчи терим салмоғи 82,4-78,3 фоизга ошиб, пахта ҳосилдорлиги 29,2-30,7 ц/га, назоратга нисбатан 1,1-1,4 ц/га юқори ҳосил олинган;

ғўза кўсақлари 40-50% очилган муддатда дефолиантларни қўллашнинг мақбул меъёри Сурхондарё вилоятининг Ангор тумани фермер хўжаликларида 92,3 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 17 июндаги 02/020-2576-сон маълумотномаси). Натижада, ғўза барглари тўкилиши 84,1-86,6% ни, кўсақлар очилиши 77,3-82,0%, ҳосилдорлик 30,6-31,2 ц/га ни ташкил этиб, назоратга нисбатан 1,3-1,6 ц/га қўшимча пахта ҳосили олинган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Дала тажрибалари ҳамда ишлаб чиқариш шароитидаги тажрибалар ҳар йили ҚХБИММ ва ПСУЕАИТИ нинг олимлари ҳамда мутахассислари жалб қилинган мониторинг гуруҳи томонидан апробациядан ўтказилган ва ижобий баҳоланган, шунингдек, тадқиқот олиб борилган йилларда ҳисоботлар ташкилотнинг услубий ва илмий кенгашида маъруза қилиниб, тасдиқланган. Илмий изланишлар натижалари республика 2 та ҳамда халқаро анжуманларда 2 та.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 8 та илмий иш нашр этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан 2 таси маҳаллий ва 1 таси хорижий журналларда, 1 та тавсиянома чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида олиб борилган илмий изланишларнинг долзарблиги, аҳамияти ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган. Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияда ижобий баҳоланганлиги, нашр этилган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ғўза баргларининг тўкилиши ва кўсақларнинг очилишига дефолиантларнинг таъсири бўйича олиб борилган маҳаллий ва хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи”** номли биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлардан олинган натижалар, яъни ингичка толали

ғўза навларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда дефолиантларнинг самарадорлиги бўйича олинган маълумотлар баён этилган.

Тадқиқотларнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, Сурхондарё вилояти шароитида ингичка толали ғўза баргини тўктириш, пахта ҳосилини сифатли териб олишга қулай шароит яратиш ва эрта йиғиштириб олиш учун СууюқХМД ва УзДЕФ дефолиантларини қўллаш самарадорлиги баён қилинган.

Бундан ташқари, ингичка толали ғўза навларида дефолиантларнинг таъсир этиш механизми бўйича илмий-изланишлар қарийиб 25-30 йил давомида олиб борилмаган. Шу нуқтаи назардан республикада ишлаб чиқарилган маҳаллий СууюқХМД ва УзДЕФ дефолиантларини янги яратилган ингичка толали ғўза навларида мамлакатимизнинг турли минтақаларида шунингдек, Сурхондарё вилояти тупроқ-иқлим шароитларида синовдан ўтказиш ҳамда ишлаб чиқаришга тавсиялар бериш долзарб ҳисобланади.

Диссертациянинг **“Изланишлар олиб борилган ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитлари, тадқиқот услублари ва агротехник тадбирлар”** деб номланган иккинчи бобида тажриба ўтказилган минтақанинг географик ўрни, тадқиқотлар ўтказилган ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитлари ва тадқиқот ўтказиш услублари, тажрибада экилган ғўза нави ва қўлланилган дефолиантларнинг тавсифи, шунингдек тадқиқотда қўлланилган агротехник тадбирлар келтирилган.

Тажриба даласи тупроғи кучсиз шўрланган ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқ бўлиб, азалдан суғориб келинган, тупроқнинг ҳайдов (0-30 см) ва ҳайдов ости (30-50 см) қатламларида гумус миқдори 0,817-0,693% ни, умумий азот 0,081-0,064% ни, умумий фосфор 0,139-0,113% ни, нитрат шаклидаги азот 18,1-12,3 мг/кг ни ҳамда ҳаракатчан фосфор миқдори 27,3-13,7 мг/кг ни ва алмашинувчи калий миқдори 187-154 мг/кг ни ташкил қилган. Олинган натижалар асосида шуни хулоса қилиш мумкинки, тажриба майдонининг тупроғи озика унсурлари билан кам даражада таъминланган.

Бу тупроқлар карбонатларга бой, сизоб суви сатҳи 1,5-2,0 м чуқурликда, механик таркибига кўра ўрта қумоқ, шўрланишга мойил микроструктурали тупроқлар сирасига киради. Сурхондарё вилоятининг Термиз тумани ҳудуди иқлими қуруқ субтропик, январь ойининг ўртача ҳарорати -2,5-3°C, июлда +30-33°C, бир йилда ўртача 160-200 мм ёғин тушади. Тупроқ-иқлимига кўра, Сурхон-Шеробод воҳаси бўз тупроқлар минтақасига киради ва денгиз сатҳидан 450-800 метр баландликда жойлашган ва республикадаги иссиқ минтақалардан ҳисобланади. Йиллик ўртача ҳарорат +16,2 °C дан +18,0 °C ўзгаради, айрим йиллари эса +19,2 °C гача етади. Ўртача ҳарорат амал-ўсув даврида +25,5-26,7 °C атрофида бўлади, ёз ойларида +29,0-32,0 °C гача етади, ўртача кунлик ҳарорат +36,0-38,0 °C, энг юқори ҳарорат +46,9-50,0 °C, энг паст +20,0 °C га тенг бўлиб, қурғоқчил кунлар 45-50 кунни ташкил этади. Минтақада амал-ўсув даврида самарали ҳарорат йиғиндиси +2812 +3052 °C га тенг.

Тадқиқотлар Сурхондарё вилоятининг Термиз туманида жойлашган Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-

тадқиқот институтининг Сурхондарё илмий тажриба станциясининг далаларида 2018-2020 йиллар мобайнида олиб борилди.

Тажриба 14 та вариантдан иборат бўлиб, 3 қайтариқда 3 ярусда жойлаштирилди. Тажрибада дефолиантларни қўллаш бўйича вариантларнинг эни 4,8 м, бўйи 10 м ни ташкил этиб, ғўзанинг ингичка толали Термиз-202 навида кўсақлар 30-40 ҳамда 40-50% очилган муддатда “AGRIMONDO” моторли дори сепиш қўл аппаратида ўтказилди.

Тажриба майдонида ўтказилган барча агротехник тадбирлар ўз вақтида бажарилган ва қайд этиб борилган.

Тадқиқотлар дала ва лаборатория шароитларида олиб борилиб, бунда дала тажрибаларини жойлаштириш, ҳисоблашлар ва кузатувлар “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари”, дефолиантларни қўллашда “Дефолиантларни давлат синови бўйича услубий кўрсатмалар” услубий қўлланмалари асосида олиб борилган. Олинган натижаларнинг статистик таҳлили Б.А.Доспеховнинг “Методика полевого опыта” услубий қўлланмаси асосида амалга оширилган.

Ингичка толали ғўза навининг ҳақиқий кўчат қалинлиги ҳисобий қатордаги барча кўчатлар санаб чиқиш йўли билан яганалашдан кейин ва охириги терим олдида аниқланди.

Ўсув даврида ҳар ойнинг биринчи куни ўсимлик бўйи, ҳосил бўғинлари, шоналари, кўсақлар сони, қуруқ масса тўплаши аниқлаб борилди.

ўсимликнинг барг сатҳи юзаси А.Ничипоровичнинг торозида тортиш усулида аниқланди.

дефолиациядан олдин ҳар бир вариантда белгиланган 25 та ўсимликка этикетка илиниб, ўсимлик бўйи, яшил барглар сони, умумий кўсақлар сони ва шундан очилган ҳамда ярим очилган кўсақлар сони аниқланди.

дефолиациядан сўнг 7 ва 14 кундан сўнг ҳар бир вариантда қайтариқлар бўйича этикетка илинган 25 тадан ўсимликдаги қуриган, ярим қуриган ва яшил барглар, очилган ҳамда ярим очилган кўсақлар сони аниқланди. Олинган маълумотлар таҳлил қилиниб, тўкилган барглар сони ва кўсақларнинг очилиш суръати фоизда ҳисобланди.

ҳар бир терим олдида I ва III қайтариқлардан вариантлар бўйича 50 донадан кўсақ пахтаси умумий терим ҳисобида териб олиниб, олинган намуналардан бир дона кўсақ вазни ва пахта толасининг технологик хусусиятлари ҳамда чигит сифати вариантлар бўйича аниқланди.

ғўза навларида дефолиантларни қўллашнинг иқтисодий самарадорлиги аниқланди.

Диссертациянинг **“Ќўзанинг Термиз-202 навини ўсиши, ривожланиши ва фотосинтетик фаолияти”** номли учинчи бобида ингичка толали Термиз-202 ғўза навининг униб чиқиш динамикаси, ўсиш ва ривожланиши ҳамда ҳақиқий кўчат қалинлиги, Термиз-202 ғўза навининг барг юзаси, қуруқ масса тўплаши ҳамда фотосинтез соф маҳсулдорлиги баён этилган.

Кузатувларнинг биринчи муддатида (18.04.2018 й; 22.04.2019 й ва 20.04.2020 й) ингичка толали Термиз-202 ғўза нави ниҳолларининг униб

чиқиши тадқиқот йилларига мутаносиб равишда 22,2-33,4-43,5% га тенг бўлди. Кузатувларнинг иккинчи муддатида (21.04.2018 й; 25.04.2019 й ва 23.04.2020 й) ниҳолларининг униб чиқиши 42,8-62,2-66,0% га тенг бўлган. Учинчи муддатда эса (24.04.2018 й; 28.04.2019 й ва 26.04.2020 й) ниҳолларининг униб чиқиши 64,4-76,3-78,7% га тенг бўлганлиги кузатилган. Шунингдек, униб чиққан ниҳоллар сони ҳам шунга мос ҳолда биринчи муддатда 73,4-110,2-140,6 дона, иккинчи муддатда 153,1-204,4-209,0 дона, учинчи муддатда 211,7-267,0-278,0 донани ташкил этганлиги баён қилинган.

Термиз-202 ғўза навининг ўсиш ва ривожланиши бўйича кузатувлар олиб борилганда август ойининг 1-2 санасида ўсимлик бўйи изланиш йилларига мос ҳолда 85,1-89,0-91,2 см, ҳосил бўғимлари 16,6-17,4-18,2 дона, шонаси 6,1-5,7-6,0 дона, гули 4,1-5,1-5,4 дона, тугунчаси 3,6-4,2-4,3 дона, шу жумладан кўсақлар сони 13,0-14,6-14,8 донани ташкил этганлиги аниқланди.

Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, кўчат қалинлиги уч йилда ҳам бир-бирига яқин кўчат олиниб, жумладан 2018-йилда вариантлар бўйича ўртача 127,4 минг туп/га ни ташкил қилди. 2019-йилда бу кўрсаткич ўртача 130,1 минг туп/га га тенг бўлган бўлса, 2020-йилда эса мос равишда 130,2 минг туп/га ни ташкил қилди. Йиллар бўйича ўртача ҳақиқий кўчат қалинлиги 129,2 минг туп/га ни ташкил этган.

Ғўза майдонларида ўсимликларнинг барг сатҳи юзасининг фарқланиши асосан ғўза навларининг биологик хусусиятига ҳамда парваришlash агротадбирларига боғлиқ бўлиб, тадқиқотлардан олинган натижаларнинг кўрсатишича, Термиз-202 ғўза навининг барги ўрта толали ғўза навлари баргидан барг япроғи қалинлиги ва катталиги билан фарқланиб, умумий барг сони камлиги, бунда бир туп ўсимлик барг юзаси шоналаш даврида 438,3-456,7-466,4 см<sup>2</sup>, гуллаш-ҳосил тўплаш даврида 2030,2-2090,3-2120,4 см<sup>2</sup>, пишиш даврида 2422,5-2576,8-2536,2 см<sup>2</sup>, дефоляция олдидан 2564,7-2652,3-2530,6 см<sup>2</sup> бўлганлиги аниқланган.

Тадқиқотларда ўрганилган ғўза навининг қуруқ масса тўплаши ҳам ўрганиб чиқилган.

Илмий изланишлар натижаларига кўра, 2-3 чинбарг даврида Термиз-202 ғўза навининг қуруқ массаси тадқиқот йилларига мутаносиб равишда 1,3-1,5-1,6 грамм, шоналаш даврида 10,2-11,3-12,4 граммни ташкил этган бўлса, гуллаш-ҳосил тўплаш даврида бу кўрсаткичлар 46,3-48,6-50,6 грамм ва пишиш даврида ғўзанинг пояси 27,5-28,7-27,2 грамм, барглари 24,2-25,0-26,6 грамм, чаноклари 23,3-24,1-26,4 грамм, пахтаси 28,4-29,2-30,1 граммни, жами қуруқ массаси 103,4-107,0-110,2 граммни ташкил этганлиги аниқланган.

Тадқиқотларда, ингичка толали Термиз-202 ғўза навининг ўсув даврлари бўйича фотосинтез соф маҳсулдорлиги ўрганилган.

Бунда, фотосинтез соф маҳсулдорлиги гектар ҳисобида шоналаш-гуллаш даврида 9,73-10,10-10,55 г/м<sup>2</sup>, ҳосил тўплаш ва пишиш даврида 8,76-8,94-9,56 г/м<sup>2</sup> эканлиги ҳамда ҳосил туғиш-пишиш даврига нисбатан ўсув даври бошида юқори (0,97-1,16-0,99 г/м<sup>2</sup>) бўлганлиги аниқланган.

Диссертациянинг **“Ингичка толали Термиз-202 ғўза навида дефоляция ўтказиш самарадорлиги”** деб номланган тўртинчи бобида

Термиз-202 ғўза навининг дефолиациядан олдинги морфологик ҳолати, дефолиантларнинг барг тўкилиши, кўсақлар очилиш динамикаси, бир дона кўсақдаги пахта вазни, пахта ҳосили, биринчи терим салмоғи, тола ва чигит сифатига таъсири ҳамда ингичка толали ғўзада дефолиация ўтказишнинг иқтисодий самарадорлиги келтириб ўтилган.

Олиб борилган изланишларда ғўзада дефолиация ўтказишдан олдин ғўзанинг морфологик ҳолати аниқланган. Ғўза кўсақлари 30-40% очилганда ўсимликнинг бўйи ўртача 101,7-102,2-104,0 см ни, барглар сони 19,6-20,1-21,2 донани, жами кўсақлар сони 16,2-17,4-18,0 донани, шундан очилгани 37,7-34,8-34,7% ни, ярим очилгани 4,2-4,7-4,7% ни ташкил этган бўлса, ғўза кўсақлари 40-50% очилганда дефолиация ўтказиш режалаштирилган фонда ўсимликнинг бўйи 102,7-105,1-108,6 см ни, барглар сони 21,0-21,4-22,3 донани, жами кўсақлар сони 16,6-17,6-18,8 донани, шундан очилгани 48,7-49,6-50,1% ни, ярим очилгани 5,9-6,7-5,6% ни ташкил этганлиги аниқланган.

Изланиш натижаларида ғўза кўсақлари 30-40% очилган муддатда дефолиациядан 14 кундан сўнг назорат вариантыда яшил барглар 90,4%, табиий тўкилган барглар 9,6% ни ташкил қилган бўлса, 40-50% кўсақлар очилган муддатда эса яшил барглар сони 88,2%, табиий тўкилган барглар 11,8% ни ташкил этганлиги аниқланган.

Ингичка толали Термиз-202 ғўза навининг кўсақлари 30-40% ҳамда 40-50% очилган муддатларда қўлланилган дефолиантларнинг ғўза барглари тўкилишига таъсири ўрганилганда, энг юқори натижалар кўсақлар очилиш муддатига мутаносиб равишда СуюқХМД дефолиантини 8,0-9,0 л/га ва УзДЕФ дефолиантини 7,0-8,0 л/га меъёрда қўлланилган вариантларда кузатилганлиги кўрсатиб ўтилган (1-расм).


Тадқиқот натижаларида ингичка толали Термиз-202 ғўза нави кўсақлари 30-40% очилган муддатда СуюқХМД дефолианти 8,0 л/га ва УзДЕФ дефолианти 7,0 л/га меъёрда қўлланилганда барглар тўкилиши мос равишда 90,2-90,8% ни ташкил қилган ҳолда тўкилган барглар сони назоратдан 80,6-81,2% юқори бўлганлиги кузатилган.

Таҷрибанинг 2-муддатида, яъни ингичка толали ғўза навининг кўсақлари 40-50% очилган муддатда юқори натижалар СуюқХМД дефолианти 9,0 л/га ва УзДЕФ дефолианти 8,0 л/га меъёрдан олиниб, барглар тўкилиши 89,3-90,2% ни ташкил этиб, бу назорат вариантыга нисбатан 77,5-78,4% га ортганлигини кўрсатади.

СуюқХМД ва УзДЕФ дефолиантларининг кўсақлар очилиш динамикасига таъсири дефолиациядан 14 кун ўтгач ўрганилганда ингичка толали Термиз-202 ғўза нави кўсақлари 30-40% очилганда юқори натижалар СуюқХМД 8,0 л/га ва УзДЕФ 7,0 л/га меъёрда қўлланилганда олиниб, кўсақлар очилиши 83,2-84,1% ни ва очилиш тезлиги 45,6-47,3% ни ташкил этган. Ушбу вариантларда назоратга нисбатан кўсақлар очилиши 20,9-21,8% га, очилиш тезлиги 21,2-22,9% га юқори бўлган.

Шунингдек, 2 муддатда (40-50%) дефолиантларни бироз кўп меъёрлари яхши натижа кўрсатган, яъни СуюқХМД 9,0 л/га ва УзДЕФ 8,0 л/га меъёр қўлланилган вариантларда кўсақлар очилиши 91,2-91,8% ни ва очилиш

тезлиги 43,6-44,1% ни ташкил этиб, назоратга нисбатан кўсаклар очилиши 19,1-19,7% га, очилиш тезлиги 20,5-21,0% га ошганлиги кўрсатилган (2-расм).




1-расм. Дефолиантларнинг ғўза баргини тўкилишига таъсири, % (2018 й).

Хулоса қилиб айтганда, Сурхондарё вилояти шароитида Термиз-202 ғўза навида 30-40 ва 40-50% кўсаклар очилган муддатда СуюқХМД дефолиантини (қўллаш муддатларига) мутаносиб равишда 8,0-9,0 л/га ҳамда УзДЕФ дефолиантини 7,0-8,0 л/га меъёрларда қўллаш нафақат баргларнинг тўкилишига, балки кўсаклар очилишига ҳам ижобий таъсири юқори бўлиб, самарали эканлиги аниқланган.

Дефолиантларнинг бир дона кўсакдаги пахта вазнига таъсири аниқланганда, Термиз-202 ғўза нави кўсаклари 30-40% ва 40-50% очилганда СуюқХМД дефолиантини кўсаклар очилиш муддатларига мос равишда 8,0-9,0 л/га меъёрда, УзДЕФ 7,0-8,0 л/га меъёрда қўлланилганда нисбатан юқори натижа олиниб, бир дона кўсакдаги пахта вазни 2,5-2,6 ва 2,5-2,7 граммни ташкил қилиб, назорат вариантыдан 0,1-0,2 ва 0,1-0,1 граммга юқори бўлган.

Ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқлари шароитида етиштирилган ингичка толали Термиз-202 ғўза навида қўлланилган дефолиантларнинг пахта ҳосили ва биринчи терим салмоғига таъсири аниқланганда, ғўза кўсаклари 30-40% ва 40-50% очилган муддатларда СуюқХМД ва УзДЕФ дефолиантларини 8,0-9,0 л/га ва 7,0-8,0 л/га

меъёрларда қўлланилганда мутаносиб ҳолда пахта ҳосили ўртача 34,6-34,8 ц/га ва 35,2-36,1 ц/га ни ташкил этиб, назоратга нисбатан 1,2-1,3 ц/га ҳамда



2-расм. Дефолиантларнинг ғўза кўсаклари очилишига таъсири, % (2018 й).

1,8-2,6 ц/га қўшимча ҳосил олинган. Биринчи терим салмоғи 84,9-89,6% ва 92,9-92,7% ни ташкил қилиб, 14,0-18,5% ҳамда 22-21,6% га ошган (1-жадвал).

Ўрганилган дефолиантларни қўллаш меъёр ва муддатларининг пахта толасининг технологик сифат кўрсаткичларига таъсири бўйича олинган таҳлилларга кўра, ингичка толали Термиз-202 ғўза навининг кўсаклар 40-50% очилган муддатда маҳаллий СуяқХМД ва УзДЕФ дефолиантларини мақбул меъёри қўлланилганда тола ва чигит сифати назоратга нисбатан бир оз юқори ёки тенг бўлганлиги кузатилди.

Ингичка толали Термиз-202 ғўза навида қўлланилган дефолиантларни чигитнинг сифат кўрсаткичларига таъсири ўрганилганда, 1-муддатда (30-40%) СуяқХМД дефолианти 8,0 л/га ва УзДЕФ дефолианти 7,0 л/га меъёрда қўлланилганда 1000 дона чигит вазни 116,1-115,4 граммни, ядро чиқиши 61,9-60,1%, умумий азот 2,37-2,36%, оксилсиз азот 0,86-0,78%, оксилли азот

1,58-1,51%, мойдорлиги 22,7-22,6% ни ташкил этган. Тажрибани 2-муддатида (40-50%) СуюкХМД дефолиантини 9,0 л/га ҳамда УзДЕФ дефолиантини 8,0 л/га меъёрда қўлланилганда 1000 дона чигит вазни 117,0-116,6 граммни, ядро чиқиши 63,4-63,2%, умумий азот 2,42-2,39%, оксилсиз азот 0,87-0,82%, оксилли азот 1,60-1,52%, мойдорлиги 22,6-22,1% ни ташкил этган.

1-жадвал

**Дефолиантларнинг пахта ҳосили ва биринчи терим салмоғига таъсири  
(2018-2020 йй).**

Вариант тартиби	Тажиба вариантлар	Теримлар бўйича ҳосилдорлик, ц/га							
		1-терим		2-терим		3-терим		3 йиллик ўртача ҳосил	Қўшимча, +-
		ц/га	%	ц/га	%	ц/га	%		
30-40% кўсақлар очилганда									
1	Назорат-	23,7	70,9	5,7	17,0	4,0	12,1	33,4	
2	Суюк ХМД-8,0	29,4	84,9	5,2	15,1			34,6	1,2
3	Суюк ХМД-9,0	28,6	84,0	5,5	16,0			34,1	0,7
4	Суюк ХМД-10,0	28,2	83,8	5,5	16,2			33,7	0,3
5	УзДЕФ-7,0	32,7	92,9	2,5	7,1			35,2	1,8
6	УзДЕФ-8,0	30,1	87,0	4,5	13,0			34,6	1,2
7	УзДЕФ-9,0	30,1	87,7	4,2	12,3			34,3	0,9
40-50% кўсақлар очилганда									
8	Назорат-	23,8	71,1	7,4	22,1	2,3	6,8	33,5	
9	Суюк ХМД-8,0	29,4	86,2	4,7	13,8			34,1	0,6
10	Суюк ХМД-9,0	31,2	89,6	3,6	10,4			34,8	1,3
11	Суюк ХМД-10,0	28,1	82,5	6,0	17,5			34,0	0,5
12	УзДЕФ-7,0	33,1	92,2	2,8	7,8			35,9	2,0
13	УзДЕФ-8,0	33,5	92,7	2,6	7,3			36,1	2,6
14	УзДЕФ-9,0	31,7	90,9	3,2	9,1			34,9	1,4

1-фон учун: ЭКФ<sub>05</sub>=0,74 ц/га; Sx=2,18%,

2-фон учун: ЭКФ<sub>05</sub>=0,53 ц/га; Sx=1,56%.

Тадқиқотлар олиб борилган йиллар бўйича таққослаб ўрганилганда, ғўза кўсақлари 30-40% очилган муддатда маҳаллий СуюкХМД 8,0 л/га ва УзДЕФ 7,0 л/га меъёрда қўлланилганда нисбатан юқори кўрсаткичлар олиниб, пахтадан тушган даромад мос равишда 20,836-21,342 млн.сўм/га, гектарга кетган жами харажатлар 13,237-13,297 млн.сўм/га, шартли соф фойда 7,599-8,045 млн.сўм/га, рентабеллик даражаси 57,4-60,5% ни ташкил этиб, назоратдан шартли соф фойда 1,005-1,451 млн.сўм/га ва рентабеллик 6,7-9,8% га юқори бўлганлиги кузатилди.

Шунингдек, кўсақлар 40-50% очилган муддатда СуюкХМД 9,0 л/га ва УзДЕФ 8,0 л/га меъёрда қўлланилган вариантлардан юқори натижалар олиниб, 1-муддатга (кўсақлар 30-40% очилган) нисбатан пахтани сотишдан тушган даромад 21,041-21,891 млн.сўм/га, гектарга кетган жами харажатлар 13,261-13,394 млн.сўм/га, шартли соф фойда 7,779-8,497 млн.сўм/га, рентабеллик даражаси эса 58,7-63,4% га тенг бўлганлиги баён этилган. Бу кўрсаткичлар назорат ва 1-муддатга нисбатан мутаносиб равишда шартли



соф фойда 0,992-1,709 ва 0,181-0,452 млн.сўм/га ҳамда рентабеллик 1,3-2,9 ва 6,5-11,2 % га юқори бўлган.

Диссертациянинг “**Ишлаб чиқариш шароитида ўтказилган тажриба натижалари**” номли бешинчи бобида ингичка толали Термиз-202 ғўза навида маҳаллий СуюқХМД ҳамда УзДЕФ дефолиантлари Сурхондарё вилоятининг Ангор туманида жойлашган “Қорақир томчилари” фермер хўжалигининг 30 гектар пахта майдонида қўллаб ишлаб чиқариш тажрибалари олиб борилгани баён этилган.

Ишлаб чиқариш тажрибаларини ўтказишда, дала тажрибаларида 40-50% кўсак очилган муддатда дефолиантлар қўлланилганда, нисбатан яхши натижалар олинганлигига қарамай, иккита муддатда (30-40 ва 40-50% кўсаклар очилганда) ҳам дефолиантларнинг самарадорлиги синалганлиги қайд этилган.

Тажриба натижаларига кўра, ғўза кўсаклари 30-40% очилган муддатда СуюқХМД ва УзДЕФ дефолиантлари 8,0-7,0 л/га меъёри билан ишлов берилганда дефолиациядан 14 кундан сўнг тўкилган барглар 76,5-78,1%, очилган кўсаклар 73,8-75,6%, ҳосилдорлик 29,2-30,7 ц/га ни ташкил этиб, назоратга нисбатан 1,1-2,6 ц/га қўшимча пахта ҳосили олинган.

Шунингдек, 2-муддатда (40-50%) СуюқХМД ва УзДЕФ дефолиантлари 9,0-8,0 л/га меъёрида қўлланилган вариантларда энг юқори натижалар олинди, мос равишда тўкилган барглар 78,6-81,1%, очилган кўсаклар 77,3-83,7%, ҳосилдорлик эса 30,6-31,2 ц/га ни ташкил этган ҳолда, назоратга нисбатан 1,3-1,9 ц/га юқори ҳосил олишга эришилган.

## Х У Л О С А Л А Р

1. Сурхондарё вилояти шароитида ингичка толали ғўза баргини тўктириш, пахта ҳосилини териб олишга қулай шароит яратиш ва эрта йиғиштириб олиш учун СуюқХМД ва УзДЕФ дефолиантларини қўллаш самарадорлиги аниқланган.

2. Ингичка толали Термиз-202 ғўза нави 2-3 чин барг чиқарган даврида чинбарглар сони 7,7-8,9 донани, ўсимлик бўйи 30,4-32,9 см ни, шоналаш-гуллаш даврида ўсимлик бўйи 70,3-73,8 см ни, ҳосил бўғинлари 11,3-12,6 донани, шонаси 13,4-14,6 донани, гули 5,0-7,4 донани, тугунчалари 2,4-3,4 донани, ҳосил тўплаш-пишиш даврида эса ўсимлик бўйи 85,1-91,2 см ни, ҳосил бўғинлари 16,6-18,2 донани, шонаси 6,1-6,0 донани, гули 4,1-5,4 донани, тугунчалар сони 3,6-4,3 донани, кўсаклар сони 13,0-14,8 донани ташкил этиши кузатилган.

3. Ингичка толали Термиз-202 ғўза навининг ўсиши ва ривожланиши ўзига хос бўлиб, куруқ масса тўплаши 2-3 чинбарг даврида 1,3-1,6 г, шоналаш даврида 10,2-12,4 г, гуллаш-ҳосил тўплаш даврида 46,3-50,6 г ва пишиш даврида 103,4-110,2 г эканлиги аниқланди.

4. Ингичка толали Термиз-202 ғўза навининг барги ўрта толали ғўза навлари баргидан барг япроғи қалинлиги ва катталиги билан фарқланган ҳолда, умумий барг сони камлиги, бунда бир туп ўсимлик барг юзаси

шоналаш даврида 438,3-466,4 см<sup>2</sup>, гуллаш-ҳосил тўплаш даврида 2030,2-2120,4 см<sup>2</sup>, пишиш даврида 2422,5-2536,2 см<sup>2</sup> бўлганлиги аниқланган.

5. Ингичка толали Термиз-202 ғўза навининг фотосинтез соф маҳсулдорлиги шоналаш-гуллаш даврида 9,73-10,55 г/м<sup>2</sup>, ҳосил тўплаш ва пишиш даврида 8,76-9,56 г/м<sup>2</sup> эканлиги ҳамда ҳосил тугиш-пишиш даврига нисбатан ўсув даври бошида юқори (0,97-0,99 г/м<sup>2</sup>) эканлиги қайд этилган.

6. Ингичка толали Термиз-202 ғўза навининг дефолиациядан олдин ўсимликнинг бўйи 101,7-108,6 см, барглари сони 19,6-22,3 дона, кўсақлар сони 16,2-18,8 дона, шундан очилганлари 37,7-49,6% ва ярим очилганлари 4,2-6,7% ни ташкил этган.

7. СуюқХМД ва УзДЕФ дефолиантлари билан ингичка толали Термиз-202 ғўза навининг кўсақлари 30-40% очилган муддатда дефолиация ўтказилганда барг тўкилиши 90,2-90,8%, кўсақлар очилиши 83,2-84,1%, ярим очилгани 2,5-4,0%, очилиш тезлиги 45,6-47,3% ни ташкил этган бўлса, кўсақлари 40-50% очилган муддатда баргларининг тўкилиши 89,3-90,2%, кўсақлар очилиши 91,2-91,8%, ярим очилгани 2,6-3,5%, очилиш тезлиги 43,6-44,1% бўлганлиги аниқланган ҳамда СуюқХМД-9,0 л/га ва УзДЕФ-8,0 л/га меъёрларида кўсақлар очилиши ва биринчи терим салмоғи бўйича юқорирок натижалар олинган.

8. Термиз-202 ғўза навининг кўсақлари 30-40% ва 40-50% очилган муддатларда СуюқХМД дефолианти 8,0-9,0 л/га ва УзДЕФ дефолианти 7,0-8,0 л/га қўлланилганда бир дона кўсақдаги пахта вази 2,4-2,7 гни ташкил этиб, биринчи терим салмоғи 84,9-92,7% бўлган ҳамда 34,6-36,1 ц/га пахта ҳосили олинган ва ҳосилдорлик 1,2-2,6 ц/га юқори бўлишига эришилган.

9. Ингичка толали ғўзанинг Термиз-202 навида СуюқХМД ва УзДЕФ дефолиантлари билан дефолиация ўтказилганда тола чиқими 0,2-0,7%, узилиш кучи 0,1-0,2 гк, нисбий узилиш кучи 0,1-0,3 гк/текс яхшиланиши аниқланган.

10. СуюқХМД ва УзДЕФ дефолиантлари билан дефолиация ўтказиш Термиз-202 ғўза навининг чигит сифатига ижобий таъсир этган ҳамда 1000 дона чигит вази 116,1-117,0 г, ядро чиқими 61,9-63,2%, умумий азот 2,36-2,42%, оксилсиз азот 0,78-0,82%, оксилли азот 1,58-1,60% ва чигит мойдорлиги 22,7-22,6% ни ташкил этган.

11. Ингичка толали ғўзада дефолиация ўтказишда олинган шартли соф фойданинг энг кўп миқдори 40-50% кўсақлар очилганда СуюқХМД дефолианти 9,0 л/га ва УзДЕФ 8,0 л/га қўлланилганда 7779400-8497400 сўм/га, рентабеллик даражаси 58,7-63,4% ни ташкил этган.

12. Сурхондарё вилоятининг ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқлари шароитида ғўзанинг ингичка толали Термиз-202 навидан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш, пахтани эрта муддатларда йиғиштириб олиш учун кўсақлари 40-50% очилган муддатда СуюқХМД дефолиантини 9,0 л/га ёки УзДЕФ дефолиантини 8,0 л/га меъёрларда қўллаш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/30.12.2019 Qx.42.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ  
ИНСТИТУТЕ СЕЛЕКЦИИ, СЕМЕНОВОДСТВА И  
АГРОТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ ХЛОПКА**

---

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ СЕЛЕКЦИИ,  
СЕМЕНОВОДСТВА И АГРОТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ  
ХЛОПКА**

**КОДИРОВ АХМАДЖОН АБДУРАУФОВИЧ**

**ОПРЕДЕЛЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ ДЕФОЛИАЦИИ  
ХЛОПЧАТНИКА ТОНКОВОЛОКНИСТОГО СОРТА ТЕРМЕЗ-202 В  
УСЛОВИЯХ СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ**

**06.01.08-Растениеводство**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ–2022**

**Диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2021.1.PhD/Qx711**

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу ([www.psuyaiti.uz](http://www.psuyaiti.uz)) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресам [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)

**Научный руководитель:** **Тешаев Фатулло Журакулович,**  
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Ахмедов Джамалхон Ходжаханович,**  
доктор биологических наук, профессор

**Рахматов Бахтиёр Нейматович,**  
кандидат сельскохозяйственных наук,  
старший научный сотрудник


**Ведущая организация:** **Ташкентский государственный аграрный университет**


Защита диссертации состоится « 9 » « 03 » 2022 года в 9<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 при Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка по адресу: (111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Ботаника, ул. УзПИТИ, НИИССАВХ Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: [piim@agro.uz](mailto:piim@agro.uz)


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (зарегистрирована № 125 Адрес: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Ботаника, ул. УзПИТИ, НИИССАВХ Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37.

Автореферат диссертации разослан « 22 » феври 2022 года  
(реестр протокола рассылки № 1 от 22.03 2022 года)



  
**Ш.Н.Нурматов,**  
Председатель научного совета по  
присуждению учёных степеней, д.с.х.н.,  
профессор

  
**Ф.М.Хасанова,**  
Учёный секретарь научного совета по  
присуждению учёных степеней, к.с.х.н.,  
профессор

  
**Ж.Х.Ахмедов,**  
Председатель научного семинара при  
научном совете по присуждению учёных  
степеней, д.б.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD)).**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** «В около 90 странах мира, размещенных в тропических и субтропических зонах, выращивается хлопчатник. Где южная широта составляет 36 градусов, а северная широта-48 градусов. Страны с крупнейшей экономикой мира, такие как США, Китай и Индия, во многом достигли своего развития за счет производства и переработки хлопкового волокна»<sup>1</sup>. В настоящее время также актуальным остается выращивание хлопчатника и производство качественного хлопкового волокна являющейся одним из основных сельскохозяйственных культур обеспечивающий экономический рост многих стран.

Одним из важнейших агротехнических мероприятий в хлопководческих странах мира является проведение дефолиационных агромероприятий и широкомасштабных научных исследований. В частности, проводятся научные исследования по изучению эффективности обработки тонковолокнистых сортов хлопчатника новыми видами дефолиантов, десикантов и этефон содержащих веществ, а также их воздействия на хлопчатник.

В Республике проводится ряд мероприятий для улучшения уровня проведения дефолиации и механизированной уборки хлопка-сырца и внедрению их в производстве. В Указе Президента Республики Узбекистан «Об утверждении Стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы»<sup>2</sup> также определены такие важные задачи, как широкое применение достижений науки в сельском хозяйстве при рациональном использовании земель. Наша Республика размещена в самой северной зоне среди хлопкосеющих стран мира, где теплые весенние дни наступают поздно, а холодные осенние дни рано. Поэтому выращивание хлопка-сырца требует применения интенсивных технологий. Принимая во внимание то, что дефолиация хлопчатника имеет важное значение, для обеспечения раннего раскрытия коробочек и проведение своевременного сбора урожая хлопка-сырца.

Данная диссертационная работа в определенной степени служит выполнению задач намеченных Постановлением Президента Республики Узбекистан от 21 августа 2017 года за № ПП-3229 «О комплексно-организационных мерах по своевременному и эффективному проведению дефолиации хлопчатника», также Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 30 января 2020 года за № 47 «О эффективной организации производства тонковолокнистого хлопка-сырца, увеличении новых сортов и внедрении стимулирующего механизма», а также в других нормативно правовых документах относящихся к этой деятельности.

---

<sup>1</sup> <https://ru.wikipedia.org/wiki>

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 23 октября 2019 года № УП-5853 «Об утверждении стратегии развития сельского хозяйства республики Узбекистан на 2020 — 2030 годы»

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики. V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

**Степень изученности проблемы.** Научные исследования по определению эффективности дефолиации на разных сортах хлопчатника и в различных почвенно-климатических условиях, а также по разработке оптимальных норм и сроков применения дефолиантов с разными свойствами на средневолокнистых сортах хлопчатника проводили ряд ученых, такие как Т.Зокиров, А.Имамалиев, А.Умаров, У.Мадраимов, Т.Каракузиев, Р.Назаров, Ш.Тешаев, С.Тухтаев, Б.Рахматов, О.Синдаров, Х.Абдурахманов, Ф.Тешаев, С.Алланазаров, У.Абдурахманов, А.Улжабоев и J.Larson, E.Butter, а на тонковолокнистых сортах хлопчатника А.Василевский, И.Рахматов, М.Тураев, М.Мейликулов, О.Наимов, Х.Омонов, А.Бобохонов, А.Тураев, М.Саидов, Н.Арапов, Д.Агакишев, Н.Жанонов, Х.Мирхайдаров, А.Баусова, М.Мередов, Adiccot, M.Vinter, G.Benedict, Cothey и другие.

Однако, в течение последних 20-30 лет не проведены исследовательские работы по определению оптимальных норм и сроков новых дефолиантов на тонковолокнистых сортах хлопчатника.

**Связь темы диссертации с планами научно-исследовательских работ научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация.** Диссертационная работа выполнена в рамках плана научно-исследовательских работ Научно-исследовательского института селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка по прикладному проекту КХ-А-КХ-2018-179 «Разработать оптимальные нормы и сроки проведения дефолиации на тонковолокнистых сортах хлопчатника, высеваемых в Республике» (2018-2020 гг).

**Цель исследования.** Определить эффективность проведения дефолиации на тонковолокнистом хлопчатнике сорта Термез-202 в условиях такыровидных почв с признаками олуговения в Сурхандарьинской области.

**Задачи исследования:**

определить рост, развитие и густоту стояния хлопчатника тонковолокнистого сорта Термез-202;

определить накопление сухой массы, листовой поверхности и чистой продуктивности фотосинтеза в периоды развития хлопчатника тонковолокнистого сорта Термез-202;

изучить морфологическое строение особенности хлопчатника перед дефолиацией;

